

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига энг кам: иш ҳақи – ойига 72 355 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 141 520 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 141 520 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 86 835 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пен-

сиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сонли Фармони (6 ва 7-бандлари истисно қилинган ҳолда) 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 июль.

Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»-ги Қонуннинг Тошкент шаҳрида ижро этилишини назорат-таҳлил тартиби-



да ўрганиш натижалари муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда ушбу масалага масъул бўлган вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари, депутатлар, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

ҚОНУННИНГ ИЖРОСИ ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

Риэлторлик фаолияти мамлакатимиздаги юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тadbиркорлик фаолияти бўлиб, 4 та қонуности ҳужжати мазкур фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра жами 746 нафар жисмоний шахсга риэлтор малака сертификатлари ҳамда 110 та юридик ва 10 та жисмоний шахсга риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган бўлиб, шундан Тошкент шаҳрида 359 та жисмоний шахс малака сертификати ва 71 та юридик шахс ҳамда 4 та жисмоний шахс риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларга эга. 2012 йилнинг биринчи чорагида улар томонидан 1109,2 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган.

Риэлторлик ташкилотлари томонидан бугунги кунда асосан восита-

чилик қилиш ҳамда ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Худудлар кесимида риэлторлик ташкилотларининг асосий қисми Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида фаолият юритмоқда. Жиззах, Сурхондарё, Навоий, Тошкент вилоятларида эса риэлторлик ташкилотларининг ташкил этилиши жуда секин амалга ошмоқда.

«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»-ги Қонуннинг ижросини таъминлаш борасида Давлат мулки қўмитаси ва унинг вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, Қонун талабларини ҳаётга тўлиқ ва самарали татбиқ этиш борасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Хусусан, риэлторга малака сертификатини бериш тартиби бўйича амалга оширилаётган ишлар ўрганилганда, таҳлиллар шуни кўрсатдики,

2-бетда

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқishingиз мумкин.

СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ ҲИСОБОТИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Молия вазирининг буйруғи билан (АВ томонидан 28.06.2012 йилда 2375-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби» тасдиқланди.

Ушбу стандартнинг мақсади мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатувчи солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва тақдим этиш тартибини белгилаш ҳисобланади.

Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот (кейинги ўринларда ҳисобот деб юритилади) — солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномани (кейинги

ўринларда шартнома деб юритилади) бажариш натижалари тўғрисида тўлиқ маълумотларни ўз ичига олувчи мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиладиган ҳужжатдир.

Ҳисобот ёзма шаклда тузилади ва шартномани бажариш давомида солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан тайёрланган хулоса ва тавсияларни тасдиқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

2-бетда



ҚОНУННИНГ ИЖРОСИ ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

1-бетда 2011 йил ва 2012 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра малака сертификатини олиш

учун муружаат қилган **2120** нафар жисмоний шахс ўқув марказида ўқитилган бўлиб, улардан **36%** малака имтиҳонини муваффақиятли топшириб, махсус сертификатга эга бўлган, **907** нафари малака имтиҳонидан ўта олмаган ва **472** нафари умуман имтиҳонга келмаган. Давлат мулки кўмитаси мазкур ҳолатлар сабабини таҳлил қилмаган.

Давлат мулки кўмитаси томонидан «Кўкча Оқтепа» («Ўрикзор» ихтисослашган бозорининг филиали) ҳудудида кўчмас мулк савдоси соҳасида фаолият юритаётган жисмоний шахслар фаолияти юзасидан Қонун ижроси бўйича 2011 йил июль-сентябрь ойларида тушунтириш ва мониторинг ишлари олиб борилган.

Давлат солиқ кўмитаси томонидан риэлторлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланаётган «қора маклер» деб аталувчи бир гуруҳ жисмоний шахслар фаолиятига чек қўйиш мақсадида **609** та назорат тадбири ўтказилиб, **45** нафар жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтмасдан риэлторлик фаолиятини амалга оширганлиги аниқланган ва уларнинг **42** нафарига нисбатан **10 210,9** минг сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилган.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳи томонидан ушбу масала ўрганилганда ҳозирги кунда етарли тартиб ўрнатилмаганлиги маълум бўлди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан Кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

www.parliament.gov.uz сайти материаллари асосида тайёрланди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

Ҳисобот эркин шаклда тузилади. Стандарт ҳисоботда мажбурий тартибда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлардан ташқари (уларга, хусусан қуйидагилар кирди: мижознинг (ишонч билдирувчининг) манзили, номи, шартномани бажаришда иштирок этган солиқ маслаҳатчиси(лари) тўғрисида маълумотлар) солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатиб ўтилган савол ёки муаммонинг мазмуни, кўрсатилган саволга (муаммога) тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхати ва ваколатли органларнинг тушунтиришлари, шунингдек кўрсатиб ўтилган саволнинг (муаммонинг) ечими бўйича тавсиялар кўрсатилишини белгилайди.

Агар мижозга (ишонч билдирувчига) хизмат кўрсатишда ёзма равишда тушунтиришлар тақдим этилган бўлса, ҳисоботда фақатгина тушунтиришларнинг рақами ва санаси кўрсатилиб, уларнинг нусхалари илова қилинади.

Мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини ифода этиш тўғрисидаги шартнома бўйича ҳисоботда солиқ маслаҳатчиси томонидан мижознинг (ишонч билдирувчининг) манфаатларини ифода этишда давлат солиқ хизмати органларида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа назорат қилувчи органларда, шунингдек судда амалга оширилган ҳаракатлар ва эришилган натижалар кўрсатилади.

Ҳисоботдаги ахборот махфийдир ва тарафлар томонидан ошкор қилиниши мумкин эмас. Стандарт солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот мазмуни учун жавобгарликни ҳам белгилайди. Хусусан, солиқ

маслаҳатчилари ташкилоти мижозни (ишонч билдирувчини) тузилган шартномага мувофиқ солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш давомида юзага келадиган барча аҳамиятли бўлган ҳуқуқий жиҳатдан хатарлар тўғрисида огоҳлантириши шарт. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти қонун ҳужжатлари талабларига ёки шартномага мос келмайдиган ҳисобот тузганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.

2012 йил 8 июлдан кучга кирди.

ГЎШТ ВА СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ САВДОСИ ДОИМ НАЗОРАТДА

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарори билан (АВ томонидан 06.07.2012 йилда 1712-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1712, 2007 йил 3 сентябрь) қўшимча киритилди.

Киритилган қўшимчага мувофиқ ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан гўшт ва сут маҳсулотларини белгиланмаган жойларда ҳамда келиб чиқиши ва сифатини тасдиқловчи ҳуж-

жатларсиз сотилиши устидан назорат ишларининг амалга оширилиши Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши (ҳудудий комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари рўйхатига киритилди.

2012 йил 16 июлдан кучга кирди.

ТЕКШИРУВ ҲАҚИДА ЎТТИЗ КУН ОЛДИН ОГОҲЛАНТИРИЛАДИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарори билан (АВ томонидан 06.07.2012 йилда 1573-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май) ўзгартиришлар киритилди (Қарорнинг тўлиқ матни газеталаримизнинг кейинги сонларида чоп этилади — тахр.).

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Назорат қилувчи орган тадбиркорлик субъектига режали текшириш ўтказилиши тўғрисида текшириш бошланиши кунидан камида ўттиз кун олдин текшириш предмети ва муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда билдириши шарт. Низомга бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилган.

2012 йил 16 июлдан кучга кирди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2012 йил 23 июндан 6 июлгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 26-27-сонлари асосида тайёрланди.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|-------------|------------|-------------|---------|---------|----------|--------------|----------|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 6.07.2012 | 1 | 0,7856 | 1 | 0,9727 | 1 | 0,0241 |
| Арманистон | 4.07.2012 | 1 | 418,66 | 1 | 526,72 | 1 | 13,01 |
| Беларусь | 7.07.2012 | 1 | 8380,00 | 1 | 10370,00 | 1 | 257,00 |
| Грузия | 7.07.2012 | 1 | 1,6473 | 1 | 2,0395 | 1 | 5,0494 |
| Қозоғистон | 6.07.2012 | 1 | 149,57 | 1 | 187,13 | 1 | 4,60 |
| Қирғизистон | 7.07.2012 | 1 | 47,4166 | 1 | 58,7255 | 1 | 1,4534 |
| Латвия | 9.07.2012 | 1 | 0,568 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0174 |
| Литва | 9.07.2012 | 1 | 2,7555 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,4777 |
| Молдова | 6.07.2012 | 1 | 12,2343 | 1 | 15,3051 | 1 | 0,3769 |
| Тожикистон | 7.07.2012 | 1 | 4,765 | 1 | 5,9998 | 1 | 0,1476 |
| Ўзбекистон | 3.07.2012 | 1 | 1888,64 | 1 | 2365,49 | 1 | 57,55 |
| Украина | 6.07.2012 | 100 | 799,25 | 100 | 993,1481 | 10 | 2,4613 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

Манба: www.prime-tass.ru

Эълонлар

ОБУНАЧИЛАР ДИКҚАТИГА!

«Норма маслаҳатчи» газетасининг навбатдаги сони 2012 йил 24 июлда чиқади.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

«Норма маслаҳатчи» ва «Солиқ ва божхона хабарлари» газеталарида қандай мавзулар ёритилишини хоҳлайсиз?

Таклиф ва истакларингизни 283-36-34 телефони орқали билдиришингиз мумкин.

Биз билан бирга бўлганингиздан мамнунмиз.

Тахририят.

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Фармони
- Қонуннинг ижроси депутатлар назоратида
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси **1-2-бетлар**

✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

- Товар қабул қилиш-топширишнинг нозик жиҳатлари
- Коммунал тўловларга доир имтиёзлар
- Чегарасиз оилавий бизнес **3-бет**
- ✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ
- Гайриихтиёрий қарамоқдагилар
- Боқувчисини йўқотиш компенсацияланади **4-бет**

✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

- Автотранспорт хизмати: ЯСТни энг кам миқдордан кам тўламанг
- Дўкон бузилиб, тадбиркор фаолияти тўхтатилганда
- Ҳалол реклама сари **5-бет**
- ✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Касаба уюшмасига аъзолик – ихтиёрий
- Касаба уюшмаси корхонанинг таркибий бўлинмаси эмас

- Дам олиш кунидан ишга чиқамизми?
- Иш берувчи «Ўз хоҳишингиз»га қарши боролмайди
- Меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаганлиги учун иш берувчи тўлайди
- Компания қайта ташкил этилганда меҳнат дафтарчаларида нима ёзилади? **6-7-бетлар**
- ✓ КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН
- Мурдасиз ... қотиллик **8-бет**

ТОВАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ-ТОПШИРИШНИНГ НОЗИК ЖИХАТЛАРИ

Тузилган шартномага кўра етказиб берувчи товарни омбордан ўзининг экспедитор ходимига бошқа шаҳардаги харидорга етказиб бериш учун топширди. Бунда товарни ўз транспортида жўнатиш кунда етказиб берувчи жўнатиш куни санаси қўйилган ҳисобварақ-фактурани ёзиб берди.

Товар йўлда бир неча кун бўлди ва харидор омборига товар олинган кунда ёзилган, товарни олишга доир ишончномага кўра етказиб берилди.

1. Товар олинганда харидор омборида ишончномани расмийлаштириш шартми?
2. Қандай пайтдан товар харидорга берилган деб ҳисобланади: уни омбордан ўз экспедитори топширган пайтданми ёки харидор омборида унинг вакилига топширилган пайтдан бошлабми?
3. Харидорнинг вакили товар олинганлиги тўғрисида ишончноманинг тартиб рақами ва санасини кўрсатган ҳолда имзолаган ҳисобварақ-фактурага қараганда товарни бир неча кун кейин ёзилган ишончнома бўйича олиш тўғрими?

Бош бухгалтер.

– 1. Ҳа, шарт, сизнинг ташкилотингиз етказиб берган товарни қабул қилиб олаётган юридик шахс вакили – харидорда Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 129, 134, 135-моддаларига ва Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида Низомга¹ (бундан кейин – 1245-сон Низом) мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўлиши керак.

2. Товар харидорга топширилган деб ҳисобланадиган пайт тузилган олди-сотди шартномаси билан белгиланади. Агар шартномада бу борада махсус шартлар назарда тутилмаса, ФК 390-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисининг нормаси амал қилади: сотувчининг харидорга товарни топшириш вазифаси товарни сотиб олувчи ваколат берилган шахсга топшириш пайтида бажарилган ҳисобланади, яъни сизнинг ҳолатингизда товар уни харидор омборида у ваколат берган шахсга топшириш пайтидан бошлаб топширилган ҳисобланади.

3. Ишончномани расмийлаштириш чоғида Фуқаролик кодекси ва 1245-сон Низомнинг юқорида кўрсатилган меъёрларига амал қилиш лозим. Харидор вакилининг ишончномаси харидор сизнинг экспедиторингиздан унинг омборида товар олаётган пайтда ҳақиқий бўлиши керак. Бу – асосий талаб-



ларнинг биридир. Шу сабабли у товарни харидор омборида қабул қилиш-топшириш кунда ёки ундан илгари ёзилиши мумкин. Агар илгари ёзилган бўлса, унинг амал қилиш муддати ташкилотингиз ходими – экспедитор етказиб берган товарни харидор омборига қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар расмийлаштирилган пайтда тугамаслиги керак.

Ҳисобварақ-фактура Солиқ кодекси 222-моддасининг талабларига, Ҳисобварақ-фактуралар ҳисобини юритиш ва тўлдириш тартибига² мувофиқ расмийлаштирилади. Фуқаролик қонунчилиги ушбу масалани тартибга солмайди.

Агар сизнинг ҳисобварақ-фактурангиз Солиқ кодекси ва юқорида кўрсатилган Тартибни бузмасдан ёзилган, шу жумладан саналар тўғри қўйилган бўлса, харидорнинг вакилига ишончнома у томонидан ФК ва 1245-сон Низомга мувофиқ расмийлаштирилган бўлса, сизга эътирозлар билдирилиши мумкин эмас*.

Реклама

НОРМА
Электрон маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйдагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс: (998 71) 283-23-74.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

¹Молия вазирининг АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

²МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 21.01.2008 йилда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 3-илова.

*Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўллаш учун тавсия қилинадиган ишончномаларнинг намуналари «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.

ЧЕГАРАСИЗ ОИЛАВИЙ БИЗНЕС



Турли шаҳарларда, масалан, Тошкент ва Термизда, яшайдиган қариндошлар, башарти бутун фаолият бир шаҳарда ёки иккаласида олиб борилса, оилавий корхона иштирокчилари бўла оладиларми?

Карина.

– Ҳа, турли шаҳарларда яшовчи қариндошлар оилавий корхона иштирокчилари бўла оладилар.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун (26.04.2012 йилдаги ЎРҚ-327-сон) Қонуннинг 5-моддаси билан қамраб олинандиган, турли жойларда яшайдиган қариндошларнинг оилавий корхонада иштирок этишига нисбатан чеклашларни белгиламайди.

Артём МОКШИН, «Норма» эксперт юридик хизматининг раҳбари.

Ташкилотимизга Афғонистонда хизмат қилган собиқ байналмилалчи жангчи ишга қабул қилинди. У уй-жой-коммунал хизматларни тўлашга доир компенсация расмийлаштиришимизни илтимос қилди. Ушбу тўловларнинг миқдори ва тартиби қандай? Ташкилот бухгалтери.

КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРГА ДОИР ИМТИЁЗЛАР

– Жанговар ҳаракатлар олиб берилган мамлакатларда байналмилал бурчини бажарган собиқ жангчилар белгиланган энг кам иш ҳақининг 45%и миқдорида уй-жой-коммунал хизматларни тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини олиш ҳуқуқига эгалар, улар ҳар ойда иш жойи бўйича штатдаги ходимларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади. Бунда кўрсатилган тўловлар бўйича харажатлар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари орқали амалга оширилади (Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги Низом, молия вазирининг АВ томонидан 30.12.2010 йилда 2175-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган).

Бир неча жойда ўриндошлик бўйича ишлаётган шахсларга тўлов асосий иш жойи бўйича иш ҳақи тўланадиган муддатларда амалга оширилади. Компенсациялар меҳнат, ўқув таътилларида, ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлиш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври, шунингдек ходимлар бола 2 ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш таътилида бўлган давр учун ҳам тўланади. Иш ҳақи ҳудуд коэффицентларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириладиган туманлар ва жойларда улар компенсация тўлашида ҳисобга олинмайди.

Ишдан бўшаш ҳолатида ходим ишдан бўшаётган ой учун компенсация иш жойида тўланади.

Олувчига тегишли бўлган ва вафот этганлиги сабабли олинмай қолган компенсация суммаси у вафот этган кунда бирга яшаган унинг оила аъзоларига тўланади. Мазкур ҳолда компенсация вафот этилган кунда тўланади.

Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юристимиз.

Реклама

«НОМБУР-AUDIT» МЧЖ

ЎЗР МВнинг 25.10.2009 йилдаги 00614-сон лицензияси

давлат улуши 50% бўлган барча хўжалик юритувчи субъектларда Миллий ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ

Барча малакали хизматларни кўрсатамиз
Аудиторлик компанияси 5 та САР халқаро сертификатли, шу жумладан солиқ маслаҳатчиларига эга.
Манзил: Қарши ш., Ўзбекистон кўч., 49
Тел.: (8 375) 221 0586, (+99875) 112 0571

Филиаллар:
Нукус ш., А.Темур кўч., 120
Тел.: (8361) 222 7803, (+99861) 354 7571
Қўммурийон ш., А.Нисовий кўч., 29
Тел.: (+99876) 399 5330, 243 3560

ФАЙРИИХТИЁРИЙ ҚАРАМОҚДАГИЛАР

Мархумнинг болаларига боқувчисини йўқотганлик туфайли пенсия қандай ёшга қадар тўланишини айтсангиз. Тўловни олий ўқув юртидаги ўқиш тугашига қадар узайтириш мумкинми? Эшитишимча, ушбу ҳолда тўловлар 23 ёшгача амалга оширилар экан?

Искандар.

Мен жияним – вафот этган опамнинг ўғлига васийман. Июнда у 18 ёшга тўлди, коллежнинг иккинчи курсини битиряпти. У коллеждаги ўқишини тугатгунча боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиши мумкинми?

М.Самиқова,
Тошкент шаҳри.



– Йўқ, афсуски, боқувчисини йўқотганлик пенсияси вафот этган кишининг болаларига 16 ёшга тўлгунча тўланади. Бунда фақат таълим муассасасида ўқишлари тўғрисида маълумотнома тақдим этилгандагина пенсия тўлаш 18 ёшга узайтирилади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг тўртинчи қисми). Ана шу ёшгача иш берувчилар томонидан ходимнинг болаларига, агар улар мархумнинг қарамоғида бўлсалар, ходим меҳнатда майиб бўлиш, касб касаллиги

ёки унинг меҳнат вазибаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда саломатликнинг бошқача шикастланиши муносабати билан вафот этган тақдирда, зарарни қоплаш бўйича компенсация ҳам тўланади (Меҳнат кодекси (МК) 192-моддасининг бешинчи қисми; Ходимларга уларнинг меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари¹ 26-банди; Олий суд Пленумининг 19.12.2003 йилдаги 18-сон қарори² 18-банди).

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА

Қонун ҳужжатлари меъёрларининг амалиётда зарар қопламини олиши хоҳлайдиган шахсларни янглиштирадиган мавжуд номувофикликка эътибор қаратмоқчимиз.

Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ боқувчиси вафот этган тақдирда зарар вояга етмаганларга – ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар; 18 ёшдан ошган ўқувчиларга – ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунча қадар, бироқ 23 ёшдан ошмагунча қопланади.

МК 192-моддасининг бешинчи қисмига кўра 16 ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни

тугатгунларигача, лекин 18 ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

Конституциявий суд ўзининг 15.10.2008 йилдаги қарорида³ мазкур далилга қонун чиқарувчилар эътиборини қаратиб, кўрсатилган меъёрларни бир-бирига ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига мувофиқлаштирувчи қонун лойиҳасини таклиф этди. Шундай бўлсада, масала аввалгидек очиклигича қоляпти.

Ота-онасининг таъминотисиз қолган, **олий ўқув юртларининг** етим талабалари мажбурий тартибда оширилган стипендия би-

лан таъминланадилар, уларнинг миқдори талабаларнинг давомида боғлиқдир. Чунончи, 2011 йил 1 декабрдан бошлаб, агар бундай талаба «аъло»га ўқиса, унинг стипендияси 230 342 сўмга, «яхши»га ўқиса – 172 757 сўмга, «қониқарли» билим олса – 115 171 сўмга тенгдир (Президентнинг 3.11.2011 йилдаги ПФ-4377-сон Фармони ва ОўМТ вазирининг 5.11.2011 йилдаги 439-сон буйруғига мувофиқ). Бироқ **коллежлар ва лицейларнинг** талабаларига стипендия тўлаш назарда тутилмаган, ҳолбуки мажбурий 12 йиллик таълим жорий этилиши муносабати билан умумтаълим мактабларига 7 ёшда келадиган ўқувчилар 9-синфни битиргач, 16 ёшда ўрта махсус касб-хунар ўқув юртларига келадилар ва 19 ёшда уни тугатадилар.

Боқувчисини йўқотган ўқувчиларга компенсация тўловлари ва давлат пенсиялари тўлашни ўрта махсус касб-хунар ўқув юртини тугатишгача, **бироқ 20 ёшга тўлгунча қадар**, узайтириш мажбурий таълим оладиган ёшлар учун давлатнинг яхши ижтимоий мадади бўлган бўларди. Шу сабабли кўрсатилган меъёрлар қонун чиқарувчи органлар томонидан қайта кўриб чиқилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, агар моддий ва маънавий зарарни **жиноий қилмиш натижасида** қариндошларнинг ўлими ёки касаллиги келтириб чиқарса, жабрланган шахслар қатъян ҳолда жиноий ишлар бўйича судга фуқаролик даввосини тақдим этиш йўли билан жиноятчидан зарар қоплалишини талаб қилишга ҳақлилар ва судлар бундай ҳолларда Фуқаролик кодекси меъёрларига амал қилишлари мумкин (ФКнинг 985, 1009, 1022-моддалари).

Суд томонидан белгиланган жиноятчининг мархумнинг қарамоғидагиларни ФКнинг 1009-моддасида назарда тутилган тартибда таъминлаб туриш мажбурияти ижтимоий адолатни таъминлайди ва жавобгарликнинг муқаррарлигига имкон яратиш, жиноят қонунчилигининг превентив функциясини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг эътиборини ана шу жиҳатга қаратишни хоҳлардик.

Оиламизда тўрт киши бор эди. Қизим 5 ёшидан эшитмаслиги туфайли болалиқдан ногирон сифатида ногиронлик нафақаси оларди. Энди унга III гуруҳ белгиланди ва пенсия тайинланмади. Май ойида эрим вафот этди. 8 йил давомида у II гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсионер бўлган. Мен ва ўғлим ишлаймиз. Ногирон қизимга отасининг вафотидан кейин бирор-бир нафақа белгиланганими?

О.Мессингер,
Самарқанд шаҳри.

БОҚУВЧИСINI ЙЎҚОТИШ КОМПЕНСАЦИЯЛАНАДИ

– Ҳа, болалиқдан ногирон қизингиз унинг қарамоғида бўлган, вафот этган боқувчининг оила аъзоси сифатида боқувчисини йўқотишга доир давлат пенсиясини олишга ҳақлидир («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 19-моддасининг биринчи қисми ва учинчи қисмининг «а» банди, 20-моддаси).

Бунинг учун у яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия тайинлаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши ва куйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 14-банди):

пенсия тайинланаётган шахсининг ёшини тасдиқловчи туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт;

оила аъзосининг вафот этган боқувчига қариндошлиги муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатлар; боқувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг бедарак йўқолганлиги тўғрисида суднинг қарори;

вафот этган боқувчининг иш стажини, шу жумладан, махсус иш стажини тасдиқлайдиган ҳужжат; вафот этган боқувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтarchаси нусхаси (2005 йил 1 январдан кейин);

вафот этган боқувчининг амалдаги иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Бундан ташқари, зарур ҳолларда куйидагилар тақдим этилади:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вафот этган боқувчининг қарамоғидаги оила аъзолари таркиби тўғрисидаги маълумотномаси (қарамоқдалигини тасдиқлайдиган ҳужжат сифатида); бахтсиз ҳодиса ва соғлиқнинг ишлаб чиқаришда бошқа шикастланиши тўғрисидаги ҳужжат ёки агар боқувчининг вафоти меҳнатда майибланиш оқибатида содир бўлган бўлса – бошқа расмий ҳужжат (агар отанинг ногиронлиги касб касаллиги ёки меҳнатда майиб бўлиш оқибатида юзага келган бўлса);

иш стажини тасдиқлайдиган, вафот этган боқувчининг номига расмийлаштирилган (ёзилган) ҳужжатлар (у пенсионер бўлганлиги боис зарур ҳужжатлар мархумнинг пенсия йиғмажилдида мавжуд бўлиши аниқ).

Пенсия жамғармаси бўлими аризага боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқи ногиронлик оқибатида бериладиган оиланинг катта ёшдаги аъзосига ТМЭКдан олинган ногиронлик тўғрисидаги маълумотноманинг тегишли қисмини илова қилади.

Вафот этган пенсионернинг оила аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси миқдори вафот этган пенсионер (боқувчи)нинг пенсиясини ҳисоблаш учун қабул қилинган амалдаги иш ҳақидан ҳисоблаб чиқилади.

Боқувчи ногиронлик пенсияси олувчи ҳисобланган ва пенсия тайинлангандан кейин меҳнат фаолиятини амалга оширган ҳолларда, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашни сўраб мурожаат қилган вафот этган боқувчи оила аъзосининг хоҳишига кўра ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейин эга бўлинган иш стажини боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади. Талаб қилинадиган иш стажини боқувчи вафот этган кунда унинг ёши бўйича аниқланади. Бунда кўрсатиб ўтилган иш стажини учун олинган иш ҳақи амалдаги иш ҳақи таркибига киритилади.

Боқувчисини йўқотганлик сабабли пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун оиланинг ҳар бир меҳнатга лаёқатсиз аъзосига пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган **ўртача ойлик иш ҳақининг 30%и белгиланади, бироқ у ЭКИХнинг 50%идан ошмаслиги керак**. Пенсия тайинлаш учун талаб қилинган ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсияларнинг базавий миқдорлари боқувчи ўртача иш ҳақининг 0,5%ига оширилади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг барчасига битта умумий пенсия тайинланади. Оила аъзосининг талабига кўра унинг пенсиядаги улуши ажратилади ва унга алоҳида тўланади.

Ҳужжат тили билан

БОҚУВЧИСИ ВАФОТ ЭТГАНЛИГИ НАТИЖАСИДА ЗИЁН КЎРГАН ШАХСЛАРГА ЗАРАРНИ ТЎЛАШ

Боқувчиси вафот этган тақдирда куйидагилар зарарни ундириш ҳуқуқига эга:

мархумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар; мархумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди; меҳнат қобилиятдан қатъи назар мархумнинг қарамоғида бўлган унинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам табибиёт муассасасининг хулосасига кўра саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси; мархумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар.

Ишламайдиган ва мархумнинг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёхуд оиланинг бошқа аъзоси парваришда амалга ошириш даврида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган тақдирда, ана шу шахсларни парваришда тугаганидан кейин зарарни ундириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Зарар куйидагиларга тўланади:

вояга етмаганларга – ўн саккиз ёшга тўлгунча қадар; **ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга – ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунча қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча;**

эллик беш ёшдан ошган аёлларга ва олти ёшдан ошган эркакларга – умрбод;

ногиронларга – ногиронлик муддатига;

мархумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини улар ўн тўрт ёшга тўлгунча қадар парваришда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёхуд оиланинг бошқа аъзосига.

Фуқаролик кодекси, 1009-модда.

¹ВМнинг 11.02.2005 йилдаги 60-сон қарорига 1-илова.

²«Меҳнат вазибаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида».

³«Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида.



Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юристимиз.

АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ: ЯСТНИ ЭНГ КАМ МИҚДОРДАН КАМ ТЎЛАМАНГ

Мен ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлган автотранспорт корхонасида бухгалтер бўлиб ишлайман. 25 тонна юк ташиш автомашиналарида корхоналарга хизмат кўрсатамиз. Яқинда туман ДСИдан қуйидаги мазмунда хат келди.

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2010 йил 18 августда 2134-сон билан рўйхатдан ўтган, «Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасида микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан ҳар бир ойга юк ташиш фаолияти бўйича 1 чорак учун юк кўтариши 25 тоннагача бўлган 3 та автомашина ишлагани учун ягона солиқ тўлови миқдори қуйидагича ҳисобланиши лозим. 3 та автомашина учун энг кам иш ҳақининг 4 бараваридан кам бўлмаган миқдорида базавий миқдор ҳисоблашингиз шарт эканлиги кўрсатилган, яъни $3 \times (4 \times 62,9) \times 3 = 2265,1$ минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда ягона солиқ тўлови ҳисобланиши шарт. Шундай қилиб, корхонангизда 1 чоракда жами ягона солиқ тўловига $(2\ 265,1 - 1\ 260) = 1\ 005,1$ минг сўм қўшимча тўлов ҳисобланиши лозим», дейилади хатда. Бу ўринда ДСининг ҳисоб-китоби тўғрими?

Хайитбой Абдуназаров.

– Тўғри, сиз номини келтириб ўтган Низомнинг 5-бандига асосан солиқ тўловчининг асосий фаолият тури автомобиль транспорти юк ташиш хизматлари кўрсатиш бўлса, унда ЯСТнинг энг кам миқдори мазкур фаолиятни амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб, ҳар бир автотранспорт воситасини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Қатъий белгиланган солиқ ставкаси 2012 йил учун Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)дан олинадиган қатъий бел-

гиланган солиқ ставкаларида (Президентнинг 30.12.2011 йилдаги ПҚ-1675-сон қарорига 11-илова) келтирилган: 8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси ЭКИХнинг 4 баравари миқдорини ташкил қилади.

Саволингиздан кўриниб турибдики, корхонангизнинг асосий фаолияти автомобиль транспортида юк ташиш хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Демак, корхонангизда 25 тоннагача бўлган 3 та автомашина ишласа, ойга ягона солиқ тўловининг энг кам миқдорини қуйидагича ҳисоблашингиз керак бўлади:

4 (қатъий белгиланган солиқ ставкаси) $\times 62\ 920$ сўм (ЭКИХ) $\times 3$ та автомашина = $755\ 040$ сўм.

Бир чорак учун эса $755\ 040 \times 3$ (ой) = $2\ 265\ 120$ сўмни ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, айна вақтда солиқ органининг талаби тўғри ва корхонангиз ягона солиқ тўловини ҳар чоракда $2\ 265\ 120$ сўмдан кам бўлмаган миқдорда тўлаши керак.

Шуни унутмаслик керакки, юқоридаги ҳисоблаш тартиби 2134-2-сон Низомга (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 09.03.2012 йилда рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) амалга оширилади ва бу тартиб 2012 йил 19 мартдан кучга кирган.

ҲАЛОЛ РЕКЛАМА САРИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси – хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамловчи қонуний база яратилган бўлиб, у мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсишининг муҳим омили ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун қулай ва ишончли муҳитни шакллантирди.

Ўзбекистон Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф-муҳит ҳолатига тажовузидан ҳимояланиш чораларини кўриш, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни ва бир қатор қонуности ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, ўтган 2011 йил мобайнида бу борада 1 000 дан ортиқ ўрганишлар ўтказилди, реклама тўғрисидаги қонунчи-

лик талабларига риоя этилиши юзасидан 500 дан ортиқ ҳолатларда амалдаги қонунчилик талаблари бузилиши, яъни тақиқланган маҳсулот тўғрисида маълумот тарқатиш, нотўғри рекламани жойлаштириш, ташқи рекламани жойлаштириш талабларига риоя этмаслик телевидение ва радиога реклама жойлаштириш талабларига риоя этмаслик, ҳамда яширин реклама ва таққослама рекламаларни жойлаштириш ва ҳ.к. талабларига риоя этилмаслик ҳоллари аниқланди.

Ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга 314 та кўрсатмалар берилди,

239 та мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди. Шунингдек, тадбирда таъкидланишича, юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш мақсадида ҳамда реклама фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Қўмита томонидан доимий равишда манфаатдор вазирлик ва идоралар, республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган реклама агентликлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилмоқда.

Давра суҳбати якунида реклама тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш бўйича реклама бозори субъектларига тегишли тавсиялар берилди.

www.antimon.uz
сайти материали асосида.

ДЎКОН БУЗИЛИБ, ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛГАНДА

Наманган шаҳридаги «Сафо-марва» номли савдо биносида якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият кўрсатиб келган. Бироқ 31.03.2012 йилда Наманган шаҳрининг реконструкция қилиниши муносабати билан Чорсу даҳасидаги ушбу дўконни бузиш бўйича қарор чиқди. Бу ерда фаолият кўрсатаётган ижарачи якка тартибдаги тадбиркорлар 01.04.2012 йилдан ўз мулкларини олиб чиқиб кетишди.

Ҳозирги кунда 01.04.2012 йилдан бошлаб ишламаймиз. Бу ҳақда Наманган шаҳар ҳокимлигига, шаҳар ДСИга, тадбиркорларга хизмат кўрсатаётган банкларга, инкассация бошқармасига билдиришнома хати берилган.

Ўз навбатида, шаҳар ДСИ вақтинча патентни тўхтатиши лозим эди, лекин инспекцияда апрель ойидан кейинги ишламаган ойлар учун ҳам даромад солиғи ва пенсия жамғармасига тўловларни тўлашимиз кераклигини айтишяпти. Шу тўғрими?

Бир гуруҳ якка тартибдаги тадбиркорлар номидан
А.Абдурахимов.

– Солиқ кодексининг «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари» тўғрисидаги 373-моддасида якка тартибдаги тадбиркор томонидан ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатиш масалалари белгилаб қўйилган. Жумладан:

– агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатганига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топшириши;

– якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги

тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган келгуси иш куни тугагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади. Жумладан АВ томонидан 21.01.2008 йилда 1760-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорнинг 17-иловасида якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фаолиятини вақтинча тўхтатганлиги тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим қиладиган ахборот бланқасининг қуйидаги намунаси келтирилган:

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинчалик тўхтатганлиги тўғрисида АХБОРОТ

_____ туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси Сизга

(якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.Ш.)

ўзининг _____ фаолиятини _____ дан _____ гача вақтинчалик тўхтатганлигини маълум қилади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинчалик тўхтатиш тўғрисидаги аризаси _____ қайд қилинган. Ариза нусхаси илова қилинмоқда.

(санаси ва рақами)

– тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида тақдим қилинган ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Шундан келиб чиқиб, агар сиз рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятингизни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза тақдим қилган бўлсангиз ва шу аризани бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномангизни топширган бўлсангиз, унда сиз ишламаган ойлар учун қатъий

белгиланган солиқни тўламайсиз.

Саволингиздан кўриниб турибдики, сиз рўйхатдан ўтказувчи органни вақтида хабардор қилгансиз, шундай бўлса-да, солиқ органи ходимлари сиздан ойлик қатъий белгиланган солиқни тўлашингизни талаб қилишмоқда.

Маълумки, солиқ органи учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлиб рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган ахборотни тақдим қилиш ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда рўйхатдан ўтказувчи орган солиқ органига ўз вақтида ахборотни тақдим қилган ёки қилмаганини аниқлашингиз лозим бўлади.

Жавобларни экспертизимиз
Умидбек САФАРОВ
тайёрлади.

КАСАБА УЮШМАСИГА АЪЗОЛИК – ИХТИЁРИЙ

Касаба уюшмасига аъзолик бекор қилинишни қандай қонун ҳужжати тартибга солиди?

Р.Холматов.

– Касаба уюшмасига аъзолик ихтиёрийдир. Касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилиш ва ундан чиқиш фақат сиз ҳисобида турган касаба уюшмасининг устави нормалари билан тартибга солинади.

Умумий қоидага кўра касаба уюшмаси аъзолигидан чиқиш учун касаба уюшмаси органига ариза бериш етарлидир.

Бир вақтнинг ўзида корхона бухгалтериясига касаба уюшмасидан чиқиш муносабати билан иш ҳақингиздан касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ўтказилишини бекор қилиш тўғрисида ариза берилади.

Касаба уюшмасига аъзоликдан чиққан ходим касаба уюшмаси унинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши, бепул юридик ёрдам олиши ва ҳоказоларга доир ҳуқуққа эга бўлмаслигини унутмаслик керак.

КАСАБА УЮШМАСИ КОРХОНАНИНГ ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАСИ ЭМАС

Корхонамизда кадрлар бўлимининг бошлиғи айни вақтда касаба уюшмаси кўмитасининг раиси ҳамдир. Натижада барча низоли масалалар ҳар доим ходимлар фойдасига эмас, балки маъмурият фойдасига ҳал қилинади! Қандай қилиб бу аҳволни яхшилаш мумкинлигини айтиб берсангиз.

Э.Рихсиев.

– Касаба уюшмаси корхонанинги таркибий бўлинмаси эмас, балки биринчи навбатда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тузилган мустақил жамоат ташкилотидир. Агар касаба уюшмаси аъзолари ўз раисларига ишонмасалар ва у меҳнат низоларини кўриб чиқаётганда иш берувчининг позициясини қўллаб-қувватлайди ва ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир керакли чораларни кўрмайди деб ҳисобласалар, эҳтимол, навбатдаги касаба уюшмаси йиғилишида (ёки конференциясида) бундай раисни лавозимидан олиш ва янги раисни сайлаш тўғрисидаги масалани кўтариб чиқиш керакдир.



МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ЎЗ ВАҚТИДА БЕРМАГАНЛИГИ УЧУН ИШ БЕРУВЧИ ТЎЛАЙДИ

Бўлим ходими 2012 йил 31 майда ўз хоҳишига кўра (Меҳнат кодексининг 99-моддаси) ишдан бўшади. Бироқ иш берувчи ходим қарзи йўқлик варақасини топширмагунча унга меҳнат дафтарчасини бермаяпти. Бундай ҳаракатлар қонунийми?

Р.Ҳошимова.

– Иш берувчининг бундай қилишга ҳуқуқи йўқ.

Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 108-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинган куни (яъни охириги иш куниди) иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт. Меҳнат дафтарчаси берилишини қарзи йўқлик варақасини топширмаганлик туфайли тўхтаб туришга меҳнат қонунчилиги йўл қўймайди.

Меҳнат дафтарчасини бериш иш берувчининг айби билан тўхтаб қўйилганда ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга меҳнат дафтарчасини ўз

вақтида бермаганлик оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ўртача ҳақ тўланади (МКнинг 275-моддаси). Бундай ҳолда ишдан бўшаш куни бўлиб, меҳнат дафтарчаси берилган кун ҳисобланади. Ишдан бўшаган кунининг янги санаси тўғрисида буйруқ берилиб, ходимнинг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Бўшаган куни тўғрисида илгари киритилган ёзув белгиланган тартибда бекор қилинади (Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинги 2.8, 3.1-бандлари, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Агар иш берувчи бундай қоплов тўлови-ни тўлашдан бош тортса, меҳнат қонунчи-

Бизнинг иш ҳафтамиз 5 кундан иборат. Бироқ кўпинча бизни дам олиш кунларида ишлашга жалб этиб, ўрнига дам олинадиган кунлар беришмайди, ҳақ ҳам тўлашмайди. Қонун ҳужжатларида бу ҳақда нима дейилган? Мазкур вазиятда касаба уюшмаси кўмитасининг ўрни қандай?

С.Иванова.

ДАМ ОЛИШ КУНИДА ИШГА ЧИҚАМИЗМИ?

– Қонун билан иш берувчига бундай ҳуқуқ берилмаган, бинбарин, ушбу ҳаракатлар ноқонуний деб топилиши мумкин.

5 кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада 2 дам олиш куни, 6 кунлик иш ҳафтасида эса 1 дам олиш куни берилади.

Умумий дам олиш куни яқшанбадир (Меҳнат кодексининг 129-моддаси, бундан кейин – МК).

МК 130-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

МК 132-моддасининг иккинчи қисмига кўра ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга (узлуксиз ишлайдиган

корхоналар, объектларни кўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кабиларга) кўра ишни тўхтаб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлашга йўл қўйилади.

Умумий қоидага кўра дам олиш кунидида ишлаганлик учун камиди икки баравар ҳақ тўланади. Бироқ ходимнинг хоҳишига қараб унга отгул (яъни дам олиш учун бошқа кун) берилиши мумкин (МКнинг 157-моддаси). Бу ҳолда дам олиш кунидида ишлаганлик учун бир баравар миқдорда ҳақ тўланади, дам олинган кунга эса ҳақ тўланмайди. Бунда қонун ҳужжатларида ходим отгулдан фойдаланиш хусусидаги хоҳишини айтиши керак бўлган муддат белгиланмаган.

Дам олиш кунларида ишлашни тақиқлаш қонундаги ўриндошларга татбиқ этилмайди. Улар асосий иш вақтидан бўш вақтда (шу жумладан

дам олиш кунларида ҳам) ишлайдилар (МКнинг 160-моддаси).

Ходимларни дам олиш кунларида ишга жалб этиш, бунинг асосидан қатъи назар, ҳар доим иш берувчининг ёзма буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилиши керак.

Бироқ, дам олиш кунидида ишлашга жалб этиш учун ишловчиларнинг рўйхатларини тайёрлашдан аввал, ходимларнинг айрим тоифаларига нисбатан белгиланган чеклашларга риоя этиш лозим (МКнинг 220-«Ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари», 228-«Тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатини қўлланиши ва уларни хизмат сафарига юбориши чеклаш», 245-«Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишнинг тақиқланиши» моддалари).

Ушбу шартлар дам олиш кунларида ходимларни ишга жалб этганда уларнинг кафолатларига тааллуқлидир.

ИШ БЕРУВЧИ «ЎЗ ХОҲИШИНГИЗ»ГА ҚАРШИ БОРОЛМАЙДИ

Бир уяли алоқа компаниясининг Намангандаги филиали директори бир неча йилдан бери ишлаётган етти нафар ходимга ўз хоҳишлари билан ишдан бўшаш учун ариза ёзишни буюрди! Айтишича, штат қисқартирилган, зеро иш ҳақи тўлашга пул йўқ эмиш! Бу хусусда тахмин қилинаётган ишдан бўшатиш санасидан 6 кун олдин эълон қилинган эди! Нима қилмоқ керак?

Компания ходимлари.

– Одатда, ўз хоҳиши бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишнинг ташаббускори фақат ходимнинг ўзи бўлади. У қабул қилган қарорининг сабабларини кўрсатишга мажбур эмас (МК).

Меҳнат шартномасини бекор қилишга мажбурлашга йўл қўйилмайди ва қонун иш берувчини бундай қилишини тақиқлайди.

Мурожаатда кўрсатилган далиллар бўйича сиз меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан куза-

тув ва назоратни амалга оширадиган Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ёки прокуратурага ҳуқуқларингиз бузилганлиги тўғрисида шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлисиз (МКнинг 9-моддаси).

Сизга ўз хоҳишингизга кўра меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисида ариза ёзишни тавсия қилмаймиз, чунки сиз МКнинг 67-моддаси билан белгиланган моддий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча кафолатларини йўқотасиз.

лигини бузишларга йўл қўйилганлик далиллари бўйича ходим шикоят билан Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ёки меҳнат қонунчилигининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган прокуратурага, шунингдек даъво билан бево-сита судга мурожаат қилишга ҳақлидир (МКнинг 9, 268-моддалари).

Шуни ҳам эслатиш лозимки, давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторининг текшириши давомида ушбу ҳуқуқбузарликлар аниқланганда иш берувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида назарда тутилганидек, энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бироқ амалиётда иш берувчилар баъзида уларга моддий зиён (мол-мулкка зарар етказиш, етишмовчилик ва ҳ.к.) етказиши далилларига учраб турадилар. Шу-

нинг учун меҳнат дафтарчаси берилишини кечиктирар экан, улар ходим томонидан етказилган зарарнинг қопланишини истайдилар.

МКнинг 201-моддасига мувофиқ ходим етказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади. МКнинг 204-моддаси эса иш берувчига етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш масъулиятини юклайди. Бир қатор ҳолларда, масалан, қасддан зарар етказилганда (МКнинг 202-моддаси биринчи қисмининг 4-банди) ходим уни тўлиқ қоплаб беради. У бунинг ихтиёрий равишда бажариши мумкин. Зарарни қоплашдан бўйин товланса, ундирув суд тартибидида амалга оширилади (МКнинг 206, 207-моддалари).


Шу тариқа айтиш керакки, юқоридагилардан келиб чиқиб, меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бериш иш берувчининг манфаатидаги ишдир.

КОМПАНИЯ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДА МЕХНАТ ДАФТАРЧАЛАРИДА НИМА ЁЗИЛАДИ?

Икки корхона қўшилиб, учинчи корхона ташкил топди. Ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувларни қандай қилиб тўғри қайд этиш керак? Икки корхона ходимларини янгига ўтказиш билан қабул қилиш лозимми?

Баъзи ходимлар бошқа лавозимларга ўтишмоқда?

Ходимлар бўлими бошлиғи.



– Мазкур ҳолда икки корхона қўшилган шаклда қайта ташкил этилган, бунинг натижасида бир янги корхона – уларнинг ҳуқуқий вориси юзага келган.

– Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 98-моддасига кўра ушбу корхоналарни қайта ташкил этиш (қўшиш) меҳнат шартномаларини бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди ва меҳнат муносабатлари, агар бу

улар сони ёки штат ўзгариши билан бирга бормаса, ходимларнинг розилиги билан давом этади.

Қўшилиш янги ташкил этилган корхонанинг янги штат жадвалини тасдиқлаш билан бирга юз беради. Унга янги таркибий бўлинмалар, лавозимлар киритилиши, айрим лавозимлар ундан олиб ташланиши мумкин.

Қўшиб олинган юридик шахс ходимлари билан меҳнат шартномасига қўшимча битимлар тузиш керак, уларда иш берувчининг янги номи ва қайта ташкил этиш муносабати билан бошқа

етишмайдиган маълумотлар кўрсатилади (МКнинг 73-моддаси).

Янги штат жадвалида ходимнинг лавозими сақланган бўлса, штат қисқариши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлмайди.

Ушбу ҳолда меҳнат дафтарчасининг 3-устунида тартиб рақамисиз алоҳида сатр билан «Фалон корхона, фалон санада, қайта ташкил этилиш муносабати билан фалончи ном билан атала бошлади» деб ёзилади. 4-устунда эса, қайта аталлишини (номланишини) асослаб буйруқ, унинг санаси ва сон рақами қўйилади. Сўнгра кейинги тартиб рақами остида 4-устунда буйруқнинг сон рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ходимнинг янги штат жадвалига мувофиқ лавозимга тайинланиши ёзилади (Меҳнат дафтарча-

ларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 2.13-банди, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

МКнинг 92-моддасига кўра ходимнинг розилигини талаб қиладиган ўтказиш, фақат агар қўшилиш натижасида ходимнинг меҳнат функцияси (штат жадвалига кўра лавозими) ёки илгари меҳнат шартномасида кўрсатилган таркибий бўлинма

ўзгаргандагина, амал қилади.

Ўшанда меҳнат дафтарчасига қайта номлаш тўғрисида ёзувдан кейин 3-устунда кейинги тартиб рақами остида, 4-устунда буйруқнинг сон рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда янги штат жадвалига мувофиқ лавозимга ўтказиш тўғрисида ёзув қайд этилади.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юригимиз.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

КАДРЛАР БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс: (998 71) 283-23-74.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Соғлиғинг – бойлиғинг

СЕН МЕНИ УЙҒОТМАГИЛ

Ҳар қандай одам ҳам ширин уйқуси бузилишини уйғотишларини ёқтирмайди. Шундай бўлса-да, миллион-миллион кишилар ҳар кун кечкурун будильник соат қулоғини бураб, эрталаб «бонг уриб» уйғотадиган қилиб қўяди. Ишга, мўлжаллаган жойга кечикмаслик, ортиқча гап-сўзлардан ҳоли бўлиш учун ҳам шундай қилишга одатланилган.

даки, эрталаб овози ёқимсиз туюлган бу соатни кечкурун яна керакли вақтда хўроз мисол «қичқириши» учун чоғлаб қўясан, киши.

Маълум бўлишича, уйқудан бу тахлит уйғонишни беасорат деб бўлмас экан. Олимларнинг фикрича, кескин жаранглаган овоздан уйғонган одамларда адреналин моддалари таралиб, «сочилиб» кетар экан.

Натижада, одам эрталабданоқ тажанг ва тажовузкорроқ бўлиб қолар экан. Бу белгилар кун мобайнида сақланиб турар экан. Хотира, диққат-эътибор бирмунча сусайиши, интеллектуал фаоллик даражаси пасайишини айтмайсизми?! Борди-ю, бу нарса ҳар тонгда такрорланиши эътиборга олинса, одам ҳар кун унглиниб улгурмаган стресс ҳолатида юришга тўғри келади, дейиш мумкин. Бу

эса жиддий йўсиндаги руҳий-асаб бузилишларига, шу жумладан ақлий қобилят пасайишига олиб келиши мумкин.


Шу сабабли олимлар будильник соатни жуда зарур ҳоллардагина ишлатишни қатъий тавсия этмоқдалар. Айтайлик, одатдагидан бирмунча барвақт туришингиз лозим бўлганидагина бундай соатни ишлатинг. Кун тартибини шундай йўлга қўйингки, унда уйқу учун ажратилган вақт етарли бўлсин. Шунда ўзингиз табиий равишда уйғонасиз. Бунинг учун эса ухлашга ҳар доим бир вақтда ётишга одатланинг.

Хорижий матбуот материаллари асосида.

Реклама

ЯШАШ УЧУН ВАГОНЧАЛАР

Ҳар хил турдаги вагончаларни ишлаб чиқариш Маҳсулот сертификатланган.



Тел. (+99890) 999-07-06, 253-39-99
E-mail: dmitriy@modul-stroy.uz

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*.
Тел.: 926-32-23, 451-85-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

ХИЗМАТЛАР

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

Ташкилотлар учун компьютер ва маънавий техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. 370-63-06.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

МУРДАСИЗ... ҚОТИЛЛИК


Қотиллик содир этилганлиги, одам ўлдирилганлиги мубҳамлик пардасига чулганган бир шароитда бундай қотиллик билан боғлиқ жиноят юзасидан тергов олиб бориш нақадар мураккаб эканлигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади деб ўйлайман. Қотиллик қачон ва қандай усул билан содир этилганлиги ҳам, мурда қаерда эканлиги ҳам маълум эмас. Буларнинг ҳаммасини аниқлаш, қотилни топиш ва фош этиш лозим.

Бироқ криминалистика тарихида қотиллик жинояти тергови мурда топилмаган ҳолатда ҳам муваффақиятли тарзда тугалланганлиги билан боғлиқ воқеа маълум.

Воқеа бундан кўп йиллар олдин бир йирик шаҳарда содир бўлган. Эрталаб катта заводнинг кириш йўлагига ўрта ёшлардаги бир аёл югургилаб келиб, йиғлаган кўйи шу заводда ишлайдиган эри кеча кечкурун ишдан уйига қайтмаганлигидан хавотирда эканлигини айтибди. Қош қорайиб тун алламаҳал бўлганда ҳам хонадон соҳиби уйга қайтмагач, кўнглига гўлгула тушган хотин ташвишга тушиб қолади. Негаки, эри ҳеч қачон қинғир қадам босмаган, оиласига ниҳоятда садоқатли эканлиги боис агар уйидагиларни огоҳлантирмаган бўлса, дўстлариникида тунаб ҳам қолмасди. Тонг ёриши билан аёл милицияга боради. Лекин у ерда уйда тунамаган одамларнинг (айниқса эркаларнинг) аксарияти иккинчи ё учинчи куни уйига қайтади, шу сабабли йўқолганларни қидириш фақат 3 кундан кейин бошланади деб тушунтиришган.

Милициядан нажот топмагач, турмуш ўртоғи шунчаки гойиб бўлиб қолиши мумкин эмаслигига асло шубҳа қилмаган аёл эри кеча ишда бўлган-бўлмаганлигини, ишдан қачон кетганлигини аниқлаш учун тўғри заводга борган. Бу қаттиқ тартиб асосида ишлайдиган, ичкарига махсус рухсатнома билан кириб-чиқиладиган корхона эди. Рухсатнома бўлими ходимлари ишчиларнинг келган-кетган вақти қайд этиладиган дафтарни очиб, ҳайратга тушганлар: изланаётган киши кеча ишга келганлиги қайд этилган бўлса-да, ишдан кетганлигига оид жой очик қолганди. Бунга жўяли изоҳ топиш мушкул – амалда бундай жавоб топиб бўлмасди ҳам. Бу ҳол аёлнинг турмуш ўртоғим бахтсиз ҳодисага учраган бўлса керак деган ҳадигини янада кучайтирди. Табиийки, дафтарда бугун эрталаб унинг ишга келганлигига оид қайд ҳам йўқ эди.

Бу мисли кўрилмаган ҳолатдан хабар топган маъмурият содир бўлган воқеа ҳақида милицияга хабар қилиб, қидириш ишини ташкил этиш лозим деб топди.



Аёлнинг олдинроқ берган аризаси ва маъмуриятнинг милицияга берган хабари милиция ходимлари учун қидиришни шу куннинг ўзида бошлашларига туртки бўлди.

Тезкор ходимлар корхона йўлагиданги кириш-чиқиш дафтариданги ёзувларни текширгач, йўқолган шахс бош бўлиб турган бригада аъзолари бўлган ишчилар билан бирма-бир суҳбатлаша бошладилар. Биттама-битта чақиртирилиб, сўралган ишчилар бригада бошлиғи кеча одатдагидек эрталаб ишга барвақт келганлигини, кечкурун ҳамма ишдан қайтаётганида ҳам у цехда куйманиб юрганлигини айтдилар. Кейин уни кўришмабди.

Тезкор ходимлар билан завод ходимлари шу цехни, кейин эса заводнинг бошқа ҳудудларини синчковлик билан текшириб чиқдилар: йўқолган одамнинг тириги ҳам, ўлиги ҳам топилмади. Айтиш жоизки, бу цехдаги ишлаб чиқаришда сульфат кислотаси ишлатилар экан. Кислота ваннага ўхшаб кетадиган катта идишга солинганлиги боис тезкор ходимларда йўқолган кишининг жасади шу кислотали идишга тушиб кетиб, емирилиб йўқ бўлиб кетган бўлса-чи деган гайриоддий ва мудҳиш тусмол пайдо бўлди. Аммо идиш жуда баланд бўлиб, одам тасодифан унга тушиб кетиши мумкин дейиш бағоят ўринсиз эди. Шундан кейин текширув мақсадида цехнинг барча ишчилари билан қаттиқ иш олиб борилди, уларнинг йўқолган киши билан муносабатлари аниқланди.

Барча ишчилар бригада бошлиғи йўқолиб қолган кундаги ҳолатлар бўйича навбати билан муфассал тарзда сўроқ қилинди. Тезкор ходимлар ва терговчиларнинг ҳаракатлари зое кетмади: бригада бошлиғи билан ишчилардан бири ўртасида тез-тез низо бўлиб туриши ҳолати аниқланди. Бу ишчи тартиб-интизомни кўп бузар, ишга кўпинча сархуш ёки маст ҳолатда келар, кунлик нормани кўпин-

ча бажармас экан. Бригада бошлиғининг адолатли танбех ва огоҳлантиришларига у тажовузкорона жавоб берар, сўкинар, таҳдид сўзларини баралла айтаркан. Иш ёқа бўғишгача бориб етган вақтлар ҳам бўлган. Ана шу одам оғир тан жароҳати етказиш билан содир этилган уриш-муштбозлик учун илгари судланиб чиққанлиги ҳам маълум бўлди. Ишчилар бригада бошлиғи йўқолиб қолган куни навбатдаги жанжал содир бўлганлигини эслаб қолди, бригада бошлиғи сабр косам тўлди, заводдан қорангни ўчиртириш масаласини кўяман дея уни огоҳлантирган. Бунга жавобан жанжалкаш ходим ҳали кўрамиз, ким кимни кетказар экан дея яниб қўйган. Бу можарога бир неча ишчи гувоҳ бўлган.

Содир бўлган жиноятнинг гайриоддий тусмоли бавосита тасдиғини топди. Аммо гумон қилинаётган ишчи бригада бошлиғи билан муносабати яхши эмаслигини эътироф этган бўлса-да, унинг йўқолиб қолишига дахлдорлигини қатъиян рад қилиб, ўша куни кечкурун ишдан бригаданинг бошқа аъзолари билан кетганман деб туриб олди. Кўшимча равишда сўралган ишчилар бу жанжалкаш завод йўлагидан улар билан бирга чиқмаганлигини айтишди. Ўша машъум куни унинг ишдан қачон кетганлигини ҳеч ким кўрмаган экан. Яна сўраб-суриштириш, юзлаштириш ўтказилди – бригада аъзолари у ўзлари билан бирга кетмаганлигини тасдиқладилар. Бироқ гумон қилинувчи бошқаларнинг ордидан кетганман, бригада бошлиғига нима бўлганлигини билмайман дейишдан нарига ўтмади.

Йўқолган кишининг жасади топилмагунигача қадар айблов эълон қилиб бўлмаслиги аниқ бўлди. Мабодо мурда кислотада эриб йўқ бўлиб кетган бўлса, қотиллик ҳолатини қандай исботлаш мумкин? Тезкор-тергов гуруҳи аъзолари юзага келган вазиятни завод мутахассислари иштирокида муҳокама этиб, йўқолган шахс ўша куни заводдан чиқмаганлиги билан боғлиқ ҳолат аниқланганлигини эътироф этиб, кислотани махсус ғалвирдан ўтказиб бошқа идишга қуйишдек оғир операция ўтказишга қарор қилдилар. Бу сермашақат иш беҳуда кетмади: марҳумнинг тилла протез тиши, шунингдек пойабзалининг қандайдир қисмлари топилди. Йўқолган кишини даволаган тиш доктори унга кўрсатилган тиш протези чиндан ҳам марҳумга тегишли эканлигини тасдиқлади. Йўқолган шахснинг амбулатория картасини шифохона рўйхатхонасидан олиб келишди ва унда айтишди шу протез

қўйилганлиги қайд этилган экан.

Бу эса йўқолган бригада бошлиғи ҳалок бўлганлигининг объектив тасдиғи эди. Бригада бошлиғи билан бошқа ишчилар ўртасида низо ва можаро бўлмаганлиги аниқланганлиги боис жиноят сабаблари бирмунча аён бўлгач, гумон қилинувчини сўроқ қилишда силжиш бўлди. Охир-оқибат у ўз жиноятини тан олди. Аммо унинг кўрсатмаларига қараганда, қотиллик қасддан содир этилмаган экан. Бригада бошлиғи билан яна жанжаллашиб қолишгач, уни қаттиқроқ туртиб юборган экан бошлиқ қандайдир ускуна деталига боши билан йиқилиб, ўша заҳоти жон берибди. Айбланувчи кўрқиб кетганлигини, яна қамалишдан (бу сафар қотиллик учун) чўчиб бригада бошлиғининг жасадини кислотали идишга ташлаб юборганлигини айтди – кислота жиноятнинг ҳамма изларини йўқ қилиб юборади деб ўйлаган экан.

Иш гайриоддий бўлганлиги боис қотилнинг жиноят қилганлигини тан олиб айтган кўрсатмалари киноплёнкага ёзиб олинди. Содир бўлган ҳодисотни жойнинг ўзида – цехда тақдоран қилиб кўрсатганлигини ҳам акс эттирдилар. Бунинг ҳаммаси, шунингдек бригада ишчиларининг кўрсатмалари қотил айбдорлигининг асосий далиллари бўлиб қолди. Унинг қотиллик қасддан содир этилмаганлигига оид кўрсатмалари... Қотилнинг очкўз ва зикналиги панд берди. Терговчи бирор-бир далил топишдан умид қилмаган бўлса-да, тартиб учун деганларидек, айбланувчининг квартирасида тинтув ўтказган. Омадни қарангки, квартирадан жиноятчига тегишли бўлмаган қўл соати топилган. Марҳумнинг хотини кўриши биланок соатни таниган – уйда соатнинг ҳужжатини ҳам асраб қўйган экан. Турмуш қурганликларига чорак аср бўлганлиги муносабати билан у эрига шу соатни совға қилган экан.

Ўз оғзи билан бригада бошлиғини тасодифан ўлдириб қўйдим деб айтаётган қотил мурдани совуқонлик билан кислотали идишга ташлаб «тинчитади», бундан олдин марҳумнинг соатини ечиб олади. Бу ҳол унга нисбатан қасддан қотиллик айбини қўйишга асос бўла оларди. Суд ишнинг барча ҳолатларини кўриб чиқиб ва процесс иштирокчиларининг сўзларини тинглаб, эълон қилинган айбловга розилигини билдирди ва судланувчини қасддан қотиллик содир этишда айбдор деб топиб, ўша вақтларда озодликдан маҳрум этишнинг энг кўп муддатини (15 йил) тайинлади.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Республика суд экспертизаси
марказининг давлат суд эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД КҮРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Norma маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 339 Адади 2 780. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 9 июлда соат 16.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223